# САНОАТ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган саноат корхоналари сони 3 273 тага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 440 тага ёки 15,5 фоиз ошган.

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятимизда 885 та янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, уларнинг 18,3 фоизи Навоий шаҳри, 14,5 фоизи Хатирчи тумани, 13,5 фоизи Кармана тумани ҳиссаларига тўғри келди.

**2021 йил 1 январь ҳолатига шаҳар ва туманлар кесимида фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирликда**

| | *фаолият юритаётган* | *шундан,* | | *2020 йил январь-декабрь ойларида ташкил этилган* |
|---|---|---|---|---|
| | | *йирик корхоналар* | *Кичик бизнес* | |
| **Жами** | **3 273** | **28** | **3 240** | **885** |
| Навоий | 730 | 16 | 714 | 115 |
| Зарафшон | 265 | 2 | 259 | 100 |
| Кармана | 540 | 5 | 535 | 118 |
| Конимех | 129 | - | 129 | 36 |
| Қизилтепа | 364 | 3 | 361 | 96 |
| Навбаҳор | 214 | 1 | 212 | 55 |
| Нурота | 346 | 1 | 345 | 42 |
| Томди | 60 | - | 60 | 14 |
| Учқудуқ | 208 | - | 208 | 126 |
| Хатирчи | 417 | - | 417 | 183 |

**Фаолият юритаётган саноат корхоналари сони, бирлик**
*(2021 йил 1 январь ҳолатига)*




**Янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик**
*(2020 йил январь-декабрь)*




2020 йил январь-декабрь ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 65 116,7 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) 109,4 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 3 866,3 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йил январь-декабрга нисбатан 104,4 фоизни ташкил этди.

Жумладан, 1 572,7 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, арок-вино маҳсулотлари ва пиво, 2 293,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2019 йил январь-декабрга нисбатан мос равишда 106,6 фоиз ва 103,0 фоиз) ишлаб чиқарилди.

**2020 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш**

| | *млрд. сўм* | *физик ҳажм индекси (ўсиш суръати, % да)* |
|---|---|---|
| **Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми** | **65 116,7** | **109,4** |
| **Тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | **6 132,6** | **101,7** |
| *улардан:* | | |
| Металл рудаларини қазиб олиш | 6 078,5 | 102,0 |
| Бошқа турдаги тоғ-кон саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 53,1 | 76,6 |
| **Қайта ишлаш саноати** | **55 084,0** | **112,5** |
| *ундан:* | | |
| Озиқ - овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 717,4 | 104,4 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 1 897,6 | 95,4 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлари, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебеллар ишлаб чиқариш | 125,9 | 123,6 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 14,4 | 78,3 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1,8 | 102,0 |
| Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 3 478,5 | 135,1 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 3,8 | 383,2 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 2 602,1 | 118,9 |
| Металлургия саноати | 44 285,7 | 108,2 |
| Машина ва ускуналардан ташқари, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 246,3 | 121,1 |
| Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 206,3 | 189,5 |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 69,5 | 79,2 |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 74,4 | 407,6 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар  ишлаб чиқариш | 334,0 | 100,5 |
| Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 1,2 | 4,1 |
| Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш | 25,1 | 161,4 |

| | *млрд. сўм* | *физик ҳажм индекси (ўсиш суръати, % да)* |
|---|---|---|
| **Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш** | **3 641,5** | **113,6** |
| **Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш** | **258,6** | **448,4** |
| **Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш** | 3 866,3 | **104,4** |
| *шу жумладан:* | | |
| озиқ-овқат товарлари | 1 572,7 | 106,6 |
| ноозиқ-овқат товарлари | 2 293,6 | 103,0 |

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

*(Январь-декабрь ойларида умумий ҳажмга нисбатан, % да)*




Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш, жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши, 0,4 %

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитциялаш, жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши, 5,6 %

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларда ишлаш жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши, 9,4 %

Ишлаб чиқарадиган саноат жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши, 84,6 %

**Январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**

*(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан, % да)*




**Январь-декабрь ойларида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми**



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш** *(йирик корхоналар бўйича)*

| | Ўлчов бирлиги | 2020 йил январь-декабрь | Ўсиш суръати, % да |
|---|---|---|---|
| **Тоғ- кон саноати ва очиқ конларни ишлаш** | | | |
| Чақиқ тош *(шебень)* | *тн* | 32 728 | 32,0 |
| **Қайта ишлаш саноати** | | | |
| Сульфат аммония | *минг. тн. азотга* | 3,3 | 94,3 |
| Натрий гидроксиди *(каустик сода)* | *минг. тн* | 84,0 | 3,9 м. |
| Кальций хлорид | *минг. тн* | 8,0 | 167,5 |
| Аммоний нитрат *(аммонийли селитра)* | *минг. тн. азота* | 163,2 | 69,3 |
| Суперфосфатлар | *минг.тн P2O5* | 2,9 | 94,9 |
| Тозаланмаган пахта ёғи | *тн* | 3 234,6 | 84,0 |
| Портландцемент | *тн* | 3 615 500 | 99,4 |
| Цемент клинкерлари | *тн* | 2 912 600 | 98,5 |
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар | *тн* | 23 496,0 | 52,1 |
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан қурилиш учун ғишт ва блоклар | *тн* | 9 716,0 | 131,6 |
| Пластмассадан қаттиқ қувурлар, трубкалар ва шланглар | *тн* | 5 050,1 | 106,2 |
| Биогаз қурилмаларида ишлаб чиқарилган суюқ биоўғитлар | *тн* | 1 107,0 | 95,5 |
| Юмшоқ буғдой ва спельта уни | *минг.тн* | 66,8 | 118,2 |
| Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г *(буханка)* | *тн* | 443,5 | 79,0 |
| Бошқа гуруҳларга киритилмаган, қурилиш конструкцияларида ишлатиладиган алюминийдан | *тн* | 32 959,8 | 147,3 |

| | *Ўлчов бирлиги* | *2020 йил январь-декабрь* | *Ўсиш суръати, % да* |
|---|---|---|---|
| тайёрланган бошқа конструкциялар ва конструкция қисмлари, плиталар, чивиқлар, бурчаклар, профиллар ва шу каби буюмлар | | | |
| Пишлоқлар ва творог | *тн* | 100,8 | 106,8 |
| Бошқа гуруҳларга киритилмаган, таркибида асал, тухум, пишлоқ ёки мевалар бўлмаган узоқ сақланмайдиган бошқа нон маҳсулотлари | *тн* | 573,1 | 99,6 |
| Қўлқоплар ва митенкалар *(трикотаждан ташқари)* | *тн* | 8,0 | 64,5 |

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йил январь-декабрь ойларида 1 296,5 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

| | *2019 йил январь-декабрь* | *2020 йил январь-декабрь* |
|---|---|---|
| Лойиҳалар сони, *бирлик* | 110 | 150 |
| Корхоналар сони, *бирлик* | 14 | 31 |
| Ишлаб чиқариш ҳажми, *млн. сўм* | 726 371,2 | 1 296 546,5 |
| Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, минг. *АҚШ долл.* | 814,7 | 12 685,6 |
| Яратилган янги иш ўринлари, *бирлик* | 9 | 297 |

**2020 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича ҳудудлар кесимида саноат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

| | *Саноат маҳсулоти* | | *Истеъмол маҳсулотлари* | | *Жами саноатдаги кичик бизнес улуши, % да* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *физик ҳажм индекси (ўсиш суръати,) % да* | *млрд. сўм* | *ўсиш суръати, % да* | |
| **Жами** | **65 116,7** | **109,4** | **3 866,3** | **104,4** | **6,6** |
| Навоий ш. | 55 006,5 | 110,1 | 1 151,8 | 104,5 | 1,7 |
| Зарафшон ш. | 315,7 | 114,7 | 244,9 | 101,7 | 90,5 |
| Кармана | 6 958,5 | 120,7 | 686,6 | 105,6 | 16,2 |
| Конимех | 129,5 | 114,7 | 90,7 | 106,6 | 100,0 |
| Қизилтепа | 1 136,0 | 104,3 | 479,0 | 106,9 | 43,6 |
| Навбаҳор | 521,0 | 104,0 | 268,1 | 104,8 | 58,1 |
| Нурота | 289,2 | 104,4 | 235,8 | 104,6 | 99,4 |
| Томди | 44,4 | 112,8 | 39,2 | 107,5 | 100,0 |
| Учқудуқ | 147,0 | 105,3 | 120,5 | 102,7 | 100,0 |
| Хатирчи | 568,9 | 105 | 549,7 | 101,7 | 99,1 |

Саноат ишлаб чиқариш физик ҳажм индексининг вилоят кўрсаткичидан юқори, Кармана туманида (2019-йилнинг январ-декабрь ойларига нисбатан 120,7 %) ҳамда Зарафшон шаҳрига (2019-йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 114,7 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмлари физик ҳажм индексининг сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш Томди туманида (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 107,5 %), Қизилтепа туманида (106,9 %), Конимех туманида (106,6 %) ҳамда Кармана туманида (105,6 %) сезиларли даражада ошди.




**2020 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш**

| | Саноат маҳсулотлари, минг сўм | | Халқ истеъмол моллари, минг сўм | |
|---|---|---|---|---|
| | 2019 | 2020 | 2019 | 2020 |
| **Жами** | **44 964,2** | **64 763,3** | **3 745,4** | **3 845,3** |
| Навоий ш. | 258 151,4 | 377 885,4 | 7 702,1 | 7 912,9 |
| Зарафшон ш. | 3 221,1 | 3 736,8 | 2 894,5 | 2 898,9 |
| Кармана | 36 020,1 | 54 833,5 | 5 251,8 | 5 410,7 |
| Конимех | 8 231,0 | 3 609,3 | 2 409,1 | 2 527,0 |
| Қизилтепа | 6 091,7 | 7 433,7 | 2 978,5 | 3 134,8 |
| Навбахор | 4 648,1 | 4 580,0 | 2 289,6 | 2 357,3 |
| Нурота | 2 741,3 | 3 100,6 | 2 457,0 | 2 528,3 |
| Томди | 2 424,7 | 2 977,4 | 2 502,2 | 2 627,2 |
| Учкудуқ | 3 020,2 | 3 924,9 | 3 153,4 | 3 215,7 |
| Хатирчи | 3 263,4 | 2 838,6 | 2 739,8 | 2 742,5 |

**2020 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар кесимида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, минг сўм**




**2020 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар кесимида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, минг сўм**




2020 йил январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар кесимида аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми Навоий шаҳрига (7 912,9 минг сўм), Кармана туманига (5 410,7 минг сўм), Учқудуқ туманига (3 215,7 минг сўм),

Қизилтепа туманига (3 134,8 минг сўм), Зарафшон шахрига (2 898,9 минг сўм) ва Хатирчи туманига (2 742,5 минг сўм) тўғри келади.

Ҳисобот даврида **хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар** томонидан 1 324,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 2,4 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 2,0 фоизни ташкил этди.

| | Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш | | шу жумладан, Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | млрд. сўм | Физик ҳажм индекси (ўсиш суръати), % да | млрд. сўм | Ўсиш суръати, % да | Улуши, % да |
| **Жами** | **65 116,7** | **109,4** | **1 324,6** | **-** | **2,0** |
| Навоий ш. | 55 006,5 | 110,1 | 164,5 | - | 0,3 |
| Зарафшон ш. | 315,7 | 114,7 | 58,4 | - | 18,5 |
| Кармана | 6 958,5 | 120,7 | 553,7 | - | 8,0 |
| Конимех | 129,5 | 114,7 | 0,1 | - | 0,05 |
| Қизилтепа | 1 136,0 | 104,3 | 524,1 | - | 46,1 |
| Навбаҳор | 521,0 | 104,0 | 9,1 | - | 1,7 |
| Нурота | 289,2 | 104,4 | 2,2 | - | 0,8 |
| Томди | 44,4 | 112,8 | 0,2 | - | 0,4 |
| Учқудуқ | 147,0 | 105,3 | 12,3 | - | 8,3 |
| Хатирчи | 568,9 | 105,0 | - | - | - |

**Саноат маҳсулотлари ҳажмида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улуши, % да**

2019 йил январь-декабрь




2020 йил январь-декабрь




Вилоятнинг бошқа корхоналари

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар

**Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши, % да**



## Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнесни ҳиссаси

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 4 298,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ҳисобот даврида кичик корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 6,6 % ни ташкил этди.

**Кичик бизнес ишлаб чиқарган саноат маҳсулотлар ҳажми, млрд. Сўм**




**2020 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да**




Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Учқудуқ туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100 %), Томди (100,0 %), Конимех (100,0 %), Нурота (99,4 %), Хатирчи (99,1 %), Навбаҳор (58,1 %), Қизилтепа (43,6 %) туманларида ва Зарафшон шаҳрида (90,5 %) кузатилди. Шу билан бирга, энг кичик улуш Навоий шаҳрида (1,7 %), Кармана (16,2 %) туманларида кузатилди.

## Статистик кўрсаткичларга тушунтириш

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми** – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, ўзининг носаноат бўлинмаларига ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади; ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар);

**Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари** – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир;

**Истеъмол моллари** – асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади;

**Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариш ҳажми** – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан корхонанинг саноат эхтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот;

**Маҳаллийлаштириш даражаси** – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди;

**Маҳсулот сотиш ҳажми** – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно);